

## **Пиёдалар ҳаракати жадаллигини ўрганиш**

**Обиджонов А. (магистрант)**

**Илмий раҳбар: доц. Назаров А. А..**

Бугунги кунга келиб, фан-техника ва тараққиёт шиддат билан ривожланиб кетаётган вақти, биз ёшлар, бизларга яратиб берилаётган имкониятларни инобатга олган ҳолда, жамиятимиз янада ривожланишига ўз хиссамизни беминнат қўшмоғимиз лозим. Жумладан, жорий йилнинг бошидан оқ, пойтахтимиз йўллари қайта реконструкция қилинди, баъзи кесишмаларнинг хавфсизлик кўрсаткичлари оширилди, яъни уларда ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ўтказилди.

Пиёдалар ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Республика Халқ таълими Вазирлигига боғча ва мактаб ёшидаги болаларга махсус дастур асосида йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш қоидалари ўргатилиши юклатилган.

Ўзбекистон Республикасида “Автомобиль-Йўл-Ҳайдовчи-Муҳит” тизимига боғлиқ бўлган ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча ишларни давлат томонидан назорат қилиш Ички Ишлар Вазирлиги қошидаги Йўл Ҳаракати Хавфсизлиги Бош Бошқармаси ва унинг Қорақалпоқистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар (бош) бошқармалари ва туман бўлимларига юклатилган.

Республикада ҳаракат хавфсизлигини тубдан яхшилаш учун халқ хўжалигида мулкчилик шаклидан қатъий назар, фаолият олиб бораётган барча ташкилотлар йўл ҳаракат қонунида келтирилган вазифаларни бажаришлари лозим. Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини юқори даражага етказиш мақсадида “Йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш – умумхалқ иши” шиори остида Республикадаги барча вазирликлар, кўмиталар, компаниялар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, ташкилотлар, фондлар ва фирмаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларни замон талаби даражасидан келиб чиққан ҳолда, илғор чет давлатлар тажрибаларидан кенг фойдаланилган равишда

такомиллаштириш даркор.

Юқорида келтирилган фактларни инобатга олган ҳолда 2017-йил 10-апрель куни Қорасув дарёси атрофи бўйлаб кичик аҳоли яшаш пункти йўллари чуқур ўрганилиб чиқилди [1].


Мисол тариқасида кичик аҳоли яшаш пункти марказида жойлашган кўп катновли ва пиёдалар ҳаракати тез - тез кузатилган чорраҳа танлаб олинди. У ердаги пиёдаларнинг сони уларнинг ёши ва сутка соатлари бўйича ҳисобга олинди ва қуйидаги жадвалга киритилди (жадвал №1).

Жадвал №1

Пиёдалар сонининг ёши ва сутка соатлари бўйича ҳисобга олиш  
маълумотлар

Вақт, соат.	Пиёдаларнинг ёши, ёш								
	0-7	7-15	15-25	25-35	35-45	45-55	55-65	ва юқор и	Жам и
07-08	0	5	8	11	20	7	5	1	57
08-09	5	6	9	14	31	8	3	2	78
09-10	3	5	14	35	36	13	5	4	115
10-11	2	3	7	31	38	9	7	2	99
11-12	0	4	8	8	22	11	7	0	60
12-13	1	8	8	10	18	7	8	3	63
13-14	4	6	8	12	23	7	2	2	64
14-15	0	3	20	12	11	1	1	0	49
15-16	3	7	19	39	29	10	3	2	112
16-17	1	3	19	28	31	9	1	0	92
17-18	10	13	7	8	21	3	2	1	65
18-19	14	24	30	39	35	14	5	0	161
Жами	38	87	157	247	315	99	29	17	989

Ҳосил бўлган кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда пиёдалар сонининг жадал ўзгариши графиги тузилди (расм №1). Графикда шуни кўриш мумкин-ки, пиёдаларнинг кичик аҳоли яшаш пункти бўйлаб ҳаракатланиш жадаллиги унчалик катта эмас.



**1-Расм. Пиёдалар сонининг ёши ва сутка соатлари бўйича ўзгариш графиги**

Барча ҳосил бўлган натижалар ушбу кичик аҳоли яшаш пунктида пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича бир қатор таклифларни ишлаб чиқилишига ундайди. Булардан:

Пиёдаларнинг аксарят қисми 35-45 ёшга тўғри келар экан. Буни бу ёшдаги пиёдалар фаолиятининг фаоллиги билан изланиш мумкин.

Шу билан биргаликда бошқа ёшдаги пиёдаларнинг имкониятларини ҳам ҳаракатни ташкил этиш воситаларини жорий этишда ҳисобга олиш даркор. Зеро, бу ёшдаги пиёдаларнинг ҳаракатланиш тезлиги, реакция вақти, психофизиологик кўрсаткичлари ёш пиёдалар ва кекса ёшдаги пиёдаларникига қараганда анча юқори. Шу боисдан, йўл ҳаракатини ташкил этишда бу масалага ҳам жиддий этибор қаратишимиз лозим.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1.К.Х.Азизов “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари” –Т.: Фан ва технология, 2012 й. Тошкент, 272 б.

2.ШНК 2.07.01-01-07 “Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш. Ўзбекистон Республикаси Давлат архетиктура ва қурилиш Қўмитаси”-Т.: Тошкент, 2003, 84 б.

#### **Интернет ресурслар:**

1. [www.ziyo\\_net.uz](http://www.ziyo_net.uz)